7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам булинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида). 9.00 «Спорт - клуб». 9.30 «Машхурлар». Ирина Розанова. 10.00 «Голлибар авлод»: Лев Яшин. Мухаббат хижоси. 11.00 «Она мехри». 11.20 «Аёл калби наволари». 12.30 «Бу турфа олам». 13.05 «Дустлик» студияси. Буш утирма. 13.15, 14.05 ТВ анонс. 13.10 «Мухаббат вакирси». Телесериал. 14.10 «Портретта чизилган». 14.25 Муслик танлафуус. 15.55 1. «Фаройибкентага саяхат». 2. «Олтин рафика». Кинематограф. 16.55 ТВ-свои. 17.00 «Шегрга кўнган кўнгул». 17.20 Рамазон тухфаси. 17.40 «Сабр». Теленовелла. 18.05 Эстрада таронаси. 18.20 «Нахший фикр». 18.50 «Бизнес хафта». 19.05 «Масулу суи». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эшонлар. 19.30 «Тахлинома» (рус тилида). 20.05 «Курсатувлар дастури». 20.30 «Тахлинома». 21.15 «Ободлик кунгилдадир». 21.40 Дурочилар ансамблининг концерти. «Яшнарба кинозоли». 22.00 «Узбекистон» телеканалидалик марталаба: «Кунгил рилтаси». Бадий фильм. 23.30-23.35 Ватан тижори.

ЯКШАНБА, 24

«Узбекистон»


4.50 Рамазон тухфаси. 5.10 «Узбектевфилми»-намойиши: «Хожа Ахрор Валий», «Пахлавон Махмуд». 5.30 Узбек куйларидан концерт. 6.00 «Ассалом, Узбекистон». 8.05 «35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат куламан». 11.00 «Она мехри». 11.20 «Аёл калби наволари». 12.30 «Бу турфа олам». 13.05 «Дустлик» студияси. Буш утирма. 13.15, 14.05 ТВ анонс. 13.10 «Мухаббат вакирси». Телесериал. 14.10 «Портретта чизилган». 14.25 Муслик танлафуус. 15.55 1. «Фаройибкентага саяхат». 2. «Олтин рафика». Кинематограф. 16.55 ТВ-свои. 17.00 «Шегрга кўнган кўнгул». 17.20 Рамазон тухфаси. 17.40 «Сабр». Теленовелла. 18.05 Эстрада таронаси. 18.20 «Нахший фикр». 18.50 «Бизнес хафта». 19.05 «Масулу суи». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эшонлар. 19.30 «Тахлинома» (рус тилида). 20.05 «Курсатувлар дастури». 20.30 «Тахлинома». 21.15 «Ободлик кунгилдадир». 21.40 Дурочилар ансамблининг концерти. «Яшнарба кинозоли». 22.00 «Узбекистон» телеканалидалик марталаба: «Кунгил рилтаси». Бадий фильм. 23.30-23.35 Ватан тижори.

«Ёшлар»

6.55 Курсатувлар дастури. 7.40 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.50, 17.35, 19.20 ТВ-анонс. 8.55 Иклим. 9.00 «Давр»-репортаж. 9.10 «Янги авлод» студияси. Буш утирма. 9.55 «Уллар шахри». Мультфильм. 10.15 Кинотаждик. 10.35 Оканрабо. 11.15 «Чоликуши». Телевизион бадий фильм. 3-кисм. 13.05 «Мистер Бин». Комедия. 12.15 Дунё ахойиботлари. 12.25 «Ёшлар» телеканалида харбий-ватанпарварлик дастури. 1. Марди майдон. 2. Аскар мактаблари. 13.05 «Мистер Бин». Комедия. 7-8 кимсар. 13.55 «Заковат». Интеллектуал уйин. 14.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 15.30 Калпок. 16.00 2004 - Мехр ва мурувват йили. Азиям. 16.25 Чемпион сирлари. 16.45 Ринг кироллари. 17.40 Курсатувлар дастури. 17.45 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси. 18.05 Спорт хафтаюна. 18.20 Хуш келибсиз. 18.45 ТВ-афиша. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00 «Давр»-news. 19.25 Сарвара Одилюкунжава куйлидаи. 19.50 «Саша + Маша». 19.55, 20.50, 22.30 Эшонлар. 20.00 «Чоликуши». Телевизион бадий фильм. 4-кисм. 20.45 «Мистер Бин» ривоят. 21.00 «Килли кирк ериб». Интеллектуал уйин. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр» хафтаюнада. 22.35 «Хай бахори». Бадий фильм. 0.10-0.15 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.10 Курсатувлар тартиби. 17.20 Болаларлар эртаси. 17.40 «Табрикликимиз-кутлайимиз». 17.50 «Мультчархпа-лак». 18.10, 19.35 «Экспресс-телегазети». 18.20 «Хукукингизни биласизми?». 18.35 «Табрикликимиз-кутлайимиз». 19.05 «Экран зайнати ва кийимати». 19.45 «Жахон географияси». 20.15 «



Бу борада пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари хусусида ҳам алоҳида сўз юритиш жоизки, бугунги кунда ана шу сермашақат ва шарафли соҳада иш юритиб, ўзларининг рақобатбардор махсулотлари ва хизматлари билан нафақат ички бозорда, балки ташқи — хорижий бозорда танилаётган «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли товарларини экспорт қилаётган, ҳам-шахарларимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётган ишбилармонлар сафи ортиб бормоқда. Нафақат уларнинг сафи кенгаймоқда, балки сифат жиҳатдан ўсмоқда, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари мустаҳкамланиб, ҳақиқий тадбиркор бўлиб эл-юртга танилмоқда. Яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиш эса тадбиркорларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш баробарида, аниқ мақсад йўлида оғишмай меҳнат қилишга, мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда. Негаки, юртимиз мустақилликка эришгунга қадар тадбиркорлик билан шуғулланиш кўпчиликка шунчаки етиб бўлмас орзу эди. Ана шу орзун Истиклол ушлатирди. Ушлатирдигина эмас, балки уни ҳақиқатга айлантирди.

Тадбиркорларимизнинг дилидаги эзгу ниятларнинг акси эса ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиёти равнақида яққол акс этмоқда. Зеро, Президентимиз ушбу соҳа ривожини иқтисодиётимизнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. Бундай ишонч, мана шундай юксак мадад тадбиркорларимизга қанот бўлаётганлиги рост.

Пойтахтимизда ҳам мустақиллик йилларида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шаҳримизда жорий йилнинг 1 августига қадар бўлган статистик маълумотларга кўра 29316 та корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, шулардан 26376 таси кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир. Уларнинг 21573 таси шаҳар савдо-саноат палатасига аъзо бўлган, — дейди палата раиси Садриддин Ҳакимов. — Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 9736 та корхона рўйхатдан ўтказилган. Кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожини ҳисобига 2004 йил ярида 15718 ишчи ўринлари яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаҳар ялли ички махсулотидеги улуши 2002 йил якунида 45,1 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил якунида 46,6 фоизга етганлиги, жорий йил якунигача уни янада ошириш кўзда тутилган тадбиркорлар сафининг ортиб, махсулотлар сифатининг яхшиланиб бораётганидан дарак беради.

Айтиш лозимки, ҳукуматимизнинг тадбиркорлик ривожига қаратилган қарорлари ва Президентимиз Фармонларининг ҳаётга таъбиқ этилиши ўз самарасини бериб, кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганлиги аҳолини иш билан таъминлашда, ички бозорни сифатли ва рақобатбардор, импорт ўрини босувчи товарлар билан тўлдиршида, шу билан бир қаторда экспортдоп махсулотлар тайёрлаб, жаҳон бозорига ҳам муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлинмоқда.

Республикамиз Президенти Ислон Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги

маърузасида ушбу соҳа ривожига алоҳида тўхталар экан, «...тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнес вакилларига кенг йўл очиб бериш, уларнинг олдидаги тўсиқ-говларни олиб ташлаш, ижтимоий муаммолар, айниқса ишсизлик

дан сифати билан юқори, нархи эса бирмунча арзон товарлар тайёрлашга эътибор қаратишмоқда.

Кейинги йилларда ички бозорни халқ истеъмоли моллари, уларнинг рақобатбардор турлари билан тўлдирish мақсадида пойтахтимизда

### Мустақиллик медалари

## ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Иқтисодиётимиз равнақида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти бекиёслиги бугун барчамизга маълум. Шу боис ҳам мустақилликнинг илк йилларида ноқамлаётганимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилди. Ана шу катта очилган имкониятлар эшиги тадбиркорлар сафининг йилдан йилга ошиб, уларнинг иқтисодиётимиз ривожидеги ўрни ҳам ортиб, ҳам мустаҳкамланиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур», деб таъкидладилар.

Шаҳримизда ҳам бу масалага алоҳида масъулият билан қаралаётганлигини рақамлардан ҳам билса бўлади. Ўтган йилда кичик ва хусусий бизнес ривожини ҳисобига янги иш ўринлари яратиш 18 фоизга ортиб, жами 36816 тани ташкил этди. Жорий йилда эса маҳаллаларга кириб боришга, хотин-қизларни иш билан таъминлашга, уларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор қаратилмоқда.

Албатта, хорижий шериклар билан ҳамкорлик, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш шаҳримиз тадбиркорлари фаолияти юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Шаҳар тадбиркорларига ҳақиқий маддодор бўлиш масъулиятини олган пойтахт савдо-саноат палатаси бу борада АҚШ, Бельгия, Хитой, Франция, Испания, Ҳиндистон, Польша, Жанубий Корея, Италия, Германия ва бошқа қатор давлатлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганини, натижада ушбу мамлакатлар ишбилармон доиралари, йирик компаниялари вакиллари билан учрашув ва семинарлар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги йўналишлар очиб бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадидаги қўллаб-қувватлаш ва қилишувлар самараси бунинг яққол исботидир. Тадбиркорларимиз меҳнати самараси бўлган рақобатбардор ва сифатли махсулотларнинг хориж давлатлари ярмаркаларидаги иштироки, имзоланаётган шартномалар ҳам эришилаётган муваффақиятдан дарақдир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакат миқёсида ўтказилаётган кўрғазма ва ярмаркалар, аънанавий «Ташаббус» қўрик-танловни тадбиркорларни рағбатлантиришда, янги-янги номлари, корхоналарни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда. Пойтахт вакиллари неча марта ана шу қўрик-танловнинг республика босқичида гойиб бўлганларини фахр билан айтиш жоиз. Энг муҳими эса ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тадбиркорларимиз Президентимиз таъкидлаганларидек, ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин ва лозим бўлган товарларни чиқаришга, чет эл махсулотлари билан бемалол рақобатлаша оладиган, ҳатто ун-

қўшимча тадбирлар дастури тайёрланган бўлиб, унга кўра илгари фақат четдан келтириладиган махсулотлар — пойабзаллар, тикув ва тўкув махсулотлари, дазмол ва телефон аппаратлари, спорт жиҳозлари, парфюмерия-косметика ва сунъий ювиш воситалари, бошқа импорт ўрини босувчи товарлар кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада шаҳримизда омилкорлик билан ўз ишини муваффақиятли ташкил этган «Тальяна», «Камол топ», «Хусус», «Мурод сервис», «Низом ота», «Ҳази» хусусий фирмалари, «Изотекс», «Марвари», «Махмуджон ҳожи», «Мария» хусусий ишлаб чиқариш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан шерикликда ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ҳиссалари салмоқлидир.

Тадбиркорларга кўрсатилаётган молиявий қўмақ, ҳуқуқий ҳимоя муаммолар ечимида, гов ва тўсиқларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, шаҳар палатаси ҳамда шаҳар адлия бошқармаси ҳамда доимий фаолият кўрсатаётган «Ишонч телефони» тадбиркорларни ноқонуний текширувлардан асрашда муҳим ўрин тутётган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» тадбиркорларимизга қўл келмоқда, уларга ҳақиқий таянч бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, шаҳримизда мавжуд моддий ресурслар, бошқа иқтисодий-ижтимоий омиллардан келиб чиққан ҳолда кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 2004-2005 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Ушбу дастурнинг асосий мақсади кичик тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, шаҳар ялли ички махсулотда кичик бизнеснинг улушини ошириш, пойтахт шаҳри иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар сонини кўпайтириш, тадбиркорликни фуқароларнинг асосий даромад манбаига айлантириш ва аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишдан иборат бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Фахр билан айтиш мумкинки, бу-

гунги кунда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни жаҳон танимоқда, ишлаб чиқараётган рақобатбардор махсулотларига харидор бўлмоқда, ҳамкорликни йўлга қўйишга, шериклик қилишга рағбат билдирилмоқда. «Тальяна», «Офис Маркет», «Эътикод», «Амадина», «Фармед», «ПГС» хусусий фирмалари, «Сиб-Акбар», «SV CO LD», «ASN», «Олиана Рум», «AKVATEX» масъулияти чекланган жамиятлари, «GREEN WORLD», «Агропластимпекс», «POISON» қўшма корхоналарининг бу борадаги муваффақиятлари таҳсинга лойиқ.

— Тадбиркорликка очилган кенг йўл биз учун муваффақиятлар эшигини очди, десам асло муболага бўлмайди, — дейди «Эътикод» хусусий фирмаси раҳбари, «Энг яхши тадбиркор» Абдуғани Қосимов. — Яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бугунги кунда жамоамизда хорижликдан асло қолишмай диган идора ва офис мебеллари турларини ишлаб чиқараёلمиз. Бу йилдан махсулот экспортини йўлга қўйиш ниятидамиз. Изланиш натижасида ва ҳукуматимиз ёрдамига таяниб, бозор иқтисодиёти талабларини тўғри англаб, сифатга эътиборни қўяётганлигимиз, ҳақдорликни замонавий хориж дастгоҳлари билан жиҳозладик. Ўтган 5-6 йил ичда ўнлаб ёшларни иш билан таъминладик. Албатта, ютуқларимиз боиси, аввало мустақиллигимиз шарофати, истиқлол яратган имкониятлар тўғриси бўлса, муваффақиятга фақат меҳнат ва янгиликка интилиш боис эришялмиш. Тадбиркорлик шунчаки иш ёки моддий манфаатдорлик эмас, балки дилдаги иштиёқ, Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, миллатимиз шаънини жаҳонга ёйишдир.

Ҳа, мустақиллик йилларида тадбиркорликнинг қамоли ҳар жабҳада акс этмоқда. Улар ҳукуматимиз ва Президентимиз ғамхўрлигидан илҳом олишмоқда, зиммаларидаги масъулиятни ҳис этишмоқда. Зеро, Республика Президенти Ислон Каримовнинг жорий йил 7 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида билдирган куйидаги фикрлари улар учун ҳам дастуруламалдир: «Биз Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратар эканмиз, шу орқали учта муҳим масалани ечишни кўзда тутамиз, — деди Президентимиз. — Биринчи масала яқин беш-ўн йил ичда ушбу соҳада ялли ички махсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш. Иккинчи масала — бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини ўсишининг энг муҳим манбаларидан қирғач айланishi лозим. Доимий диққат марказимизда туриши керак бўлган учинчи масала мамлакатимиздаги сийсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлиши кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат».

Бу, албатта, пойтахтлик тадбиркорлар олдидаги устувор вазифалардан саналиб, ушбу масалалар ечими иқтисодиётимиз ривожига, аҳоли фаровонлигига катта аҳамиятга эга. Тадбиркорлар омад ёр бўлаётган бугунги кунда, уни маҳкам кўзда тутиш фақат изланиш ва интилишга, янгиликка ўликча болдик.

Шарифа ИЛЕСОВА  
СУРАТЛАРДА: Тошкент тадбиркорлари фаолиятидан лавҳалар.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўртаниб домо бўлур...**

● Адолат гоёсини рад этиб бўлмайди. У одоб-ахлоқ, ақлидрок қонунларидан, омма ҳаётидан келиб чиқади. Адолат бошдан охири ҳаёт уфироли турган сўзидир.

● Одам ўз қалбига қулоқ осиб, унинг адолатпарварлигига иқдор бўларкан, қанчалар боши осмонга етади.

● Холис ва сермулоҳаза одам ўз ҳукмини айтишга ҳеч вақт ошиқмайди.

● Адолат — давлатнинг бузилмас пойдеворидир.

Хикоят: Луқмони Ҳакимдан сўрабдилар: «Инсоннинг барча гўзал фазилатларини йўққа чиқарувчи нарса нима?» Луқмони ҳаким жавоб берибди: «Бахиллик ва адолатсизлик». Яна сўрадилар: «Инсоннинг барча айбларини, камчиликларини пинҳон этувчи нарса нима?» У жавоб берди: «Саховат ва адолат-пешалиқдир».

Байт:

**Хар бир азоб-укубатга розиман, тайёр,  
Лек адолатсизликдан дил озор топмасин зинҳор.**

● Одамларга яхшилик қил, ранжитма, дилини оғритма, оғир дамларда ёрдамингни аяма.

● Бировга яхшилик қилган киши ўзига яхшилик қилган бўлади.

● Беғам бўлманг, гафлатда қолманг, ҳали навқирон, кучли экансиз, яхшилик қилишдан толманг.

**Қисса.** Оғир кунларда ўзгаларга ёрдам қилмоқ ҳаммиша яхшилик мевасини беради. Кунли келиб қилган яхшилиги эвазига бошқалардан яхшилик кўради. Бу борада эшак ва йўрға от ҳақидаги хикоят ўринлидир.

Эшак билан от йўлда бирга кетар эдилар. Ногоҳ эшак отга нидо қилиб деди: «Эй биродар, юкимдан озгинасини олмасанг, мен чарчокдан йиқилиб ўлишим мумкин. Бироз юришган, оғир юкка тоб беролмаган эшак йиқилиб тушди ва жон берди. Эшакнинг эгаси дарҳол пичоқ билан унинг терисини шиллиб олди ва юз билан бирга отнинг устига ташлади. От ўзича ўйланиб деди: «Калта-бинлигим ва бадфелълигим туфайли мискин биродаримга ёрдам қўлини чўзмадим, оқибат унинг юки меннинг устимга тушди».

Байт:

**Нафинг агар халққа бешак эрур,  
Балки бу наф ўзингга кўпроқ эрур.**

● Ўз қадр-қимматини асраб-авайлайдиган, иззат-икромини ўрнига қўядиган ва нафсонияти учун куюнадиган одамни калондимоғ деб бўлмайди. Агар қимда-ким ўзига кибру ҳаво билан бино қўйса, мулк-давлати ортиб, босар-тусарини билмай қолса, ўз қадр-қимматини «Мен!» тарзида улуғламоқчи бўлса, бундай қимса охири оқибатда расвою жаҳон бўлиб, қадр-қимматини йўқотади.

*Ноқлаиш*

**САХОВАТ ВА МУРУВВАТ ОЙИ**

Бугун бутун мусулмон оламидаги каби бизнинг юртимизда ҳам муқаддас Рамазон ойи бошланди.

**Биз Тошкент шаҳар Бош имом-хатиби Анвар қори ТУРСУНОВДАН рамазон ойининг савобли жиҳатлари, рўза тутиш қоидалари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.**

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Алҳамдулиллаҳи раббил оламин вассаламу вассалату аъла росулиҳи ва аъла илиҳи ва асхабиҳи аҷмаъин. Муҳтарам ва азиз ватандошлар, барчамизга кириб келган ойларнинг сайиди — Рамазон шариф муборак бўлсин. Бу ойда Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) нияҳотда саховатли ва меҳрибон, саҳий бўлиб кетар эдилар. Улуғ муҳаддис аллома Имом ал-Бухорий ва имом Муслим томонидан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: «Расулуллоҳ саллолуҳу алайҳи вассаллам энг саҳий одам эдилар. У кишининг энг саҳий бўлишлари Рамазонда бўлар эди», дейилган.

Демак, Рамазон ойи рўза тутиш, меҳр-шафқат, мурувват кўрсатиш, хайру-эҳсонлар қилиш, барча гуноҳларимиздан покланишимиз, кўнглимизни Аллоҳнинг ёди билан мунаввар қилишимиз учун биз мусулмонларга улуг бир неъмат сифатида ато этилган.

Бу шариф ойда савобдор бўлиш учун

фақатгина оч, чанқоқ юришининг ўзи кифоя эмас. Бунда ҳар бир мўмин-мусулмон Рўза амалини бажара туриб, ҳар хил ноҳоиз гап сўзлардан, исломга зид, мусулмонга ёт хатти-ҳаракатлардан парҳез қилишлари зарур. Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган эдилар: «Рўза тутиш инсон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъватдир. Рўза инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланишдир».

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, Истиқлол йилларида Қуръони Каримни мана шу шариф ойда тўлиқ хатм қилиш имконига эга бўлдик. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «Эй, мўминлар, парҳезкор кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди», — дейди.

Бу ойнинг яна бир томони айни Рамазон ойда мусулмонларимиз муқаддас «Лайлатул Қадр» тунини орзиқиб кутадилар. «Лайлатул Қадр»нинг маъно-моҳияти «Тақдир тун» демакдир. Қуръони Каримдаги шу ном билан аталувчи сурада шундай дейилган: «Биз уни (Қуръони Каримни) «Лайлатул Қадр» тунда нозил этдик... Бу туннинг фазилати минг ойдан

ҳам кўра афзалроқдир. Бу тунда Аллоҳнинг изни билан ер юзига фаришталар ва Жаброил хайру барокат билан бирга тушадилар. У тун тонг отгунга қадар раҳмат тундир».

Қўринадики, Рамазон ойи борча мусулмонлар учун азиз ва муқаддас, барокат ойи саналади. Зотан, ун тўрт асрнинг берисидан бани-башариятни ҳидоятга қорлаб келаятган муқаддас динимизнинг муқаддас китоби — Қуръони Карим айнан шу ойда нозил қилинган.

Рамазон ойда тугилдиган Рўза шундай беназир ибодатлар сирасига қирадики, унинг замирида рўзадор мусулмоннинг иррадасини мустаҳкамлаш, ҳар хил нафсоний хирслардан парҳез қилишга одағлантириш каби мақсадлар ётади.

Кези келганда шуни айтишимиз мумкинки, айрим кишилар рўза тутишдан фориғ бўлишлари мумкин. Улар қимлар? Бу тўғрида Қуръони Каримда шундай дейилади: «Бирортангиз касалманд ёки мусофирчиликда бўлсангиз, рўзани бошқа кунларга тутиб беришингиз шарт. Рўза тутишга чидай олмаганлар бир мискинга икки марта тўядиган миқдорда фидя беришлари лозим. Ким фидяни кўпроқ берса, фидя берувчи учун хайри бўлади. Аммо фидя бергандан кўра рўза тутмоқ-лигингиз сизлар учун яхшироқдир».

Сўзини мухтасар қилиб айтмоқчиманки, бу йилги Рамазон ойи ҳамма мўмин-мусулмонларга қутлуг келсин.

Оллоҳ таоло Ватанимизни тинч, осойишта, халқимизнинг фаровонлигини зиёда айласин.

**РАМАЗОН ТАҚВИМИ**

Рамазон	октябрь	ҳафта	сахарлик	ифтор вақти
	ноябрь	кунлари	туташи	
1	15	ЖУМА	4:55	17:44
2	16	шанба	4:56	17:42
3	17	якшанба	4:57	17:41
4	18	душанба	4:58	17:39
5	19	сешанба	4:59	17:38
6	20	чоршанба	5:00	17:36
7	21	пайшанба	5:01	17:35
8	22	ЖУМА	5:03	17:33
9	23	шанба	5:04	17:32
10	24	якшанба	5:05	17:31
11	25	душанба	5:06	17:29
12	26	сешанба	5:07	17:28
13	27	чоршанба	5:08	17:26
14	28	пайшанба	5:10	17:25

15	29	ЖУМА	5:11	17:24
16	30	шанба	5:12	17:23
17	31	якшанба	5:13	17:21
18	1	душанба	5:14	17:20
19	2	сешанба	5:15	17:19
20	3	чоршанба	5:17	17:18
21	4	пайшанба	5:18	17:16
22	5	ЖУМА	5:19	17:15
23	6	шанба	5:20	17:14
24	7	якшанба	5:22	17:13
25	8	душанба	5:23	17:12
26	9	сешанба	5:24	17:11
27	10	чоршанба	5:25	17:10
28	11	пайшанба	5:26	17:09
29	12	ЖУМА	5:27	17:08
30	13	шанба	5:29	17:07

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, шу кунгача саралаш турнирида қатнашиб бирор марта ҳам мағлубият аламини тотмаган Ўзбекистон терма жамоасига ушбу учрашувда ғалаба ёки дуранг натижа сув билан ҳаводек зарур эди. Бонси, ироқликлар Тошкентда ўтказилган биринчи учрашувда чиройли ўйин намойиш этиб 1:1 ҳисобидаги дурангга эришган, шу кунгача фаластинликлар билан ҳам дуранг ўйнаган бўлсада, қолган баҳсларда ғалаба қозонган эдилар. Бундан ташқари, тан олиш керак, Ироқ терма жамоаси Осиё чемпионатида ҳам, Афина шаҳрида ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам муваффақиятли ўйнаган ва мухлислару мутахассислар этиборини қозонганди.

Шу бонсми, Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги терма жамоамиз ироқликлар билан кечадиган иккинчи учрашувга жиддий ҳозирлик кўрди. Ўқув-машғулот

ийгинларига маҳаллий футболчилардан ташқари хорижда тўп сураётган легионерлар ҳам жалб этил-

майдонда тўлиқ назорат қилиш, бир-бирига аниқ узатиш борасида рақибларидан устунлик қилган

чи бор аниқ нишонга олинди. Учрашувда бурилиш ясаган интилган майдон эгалари ҳам эндиликда ҳужумга зўр беришди. Хусай Мунир Алексей Поляковни 29-дақиқада доғда қолдиришга муваффақ бўлди ва орадиги фарқни қисқартирди.

Иккинчи бўлимда ҳам уюшқоқлик билан ҳаракат қилган ўзбекистонликлар мезбонлар дарвозаси томон бир неча бор ҳужумлар уюштиришган бўлишларига қарамай 2:1 ҳисоби учрашув охирига қадар ўзгармади.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардикки, энди терма жамоамиз Тошкентда Хитой Тайпейи терма жамоаси билан куч синашади. Жаҳон чемпионати финали сари дадил одим ташлаган ва мулдатидан аввал кейинги босқичга йўл олган Равшан Ҳайдаров шоғирларига кейинги баҳсларда ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Сўқибол*

**ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРИ**

**ЎТГАН КУНИ**

Иорданиянинг Аммон шаҳрида жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг Осиё минтақаси гуруҳ баҳсларида иштирок этаётган Ироқ ва Ўзбекистон терма жамоалари ўзаро куч синашишти.

ди. Бу ўз самарасини берди албатта. Қувонарли томони футболчиларимиз ушбу учрашувда майдонга фақат ғалаба қозониш учунгина тушишларини аввалдан айтишган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учрашув бошидан оқ ҳужумлар, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятлар содир этиш, тўпни

ўзбекистонликлар айтиш жоизки, 90 дақиқа давомида майдон эгаларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Қизиқарли беллашувнинг 10-дақиқасида жамоадошлари бошлаб берган ҳужумни моҳир ҳужумчимиз Максим Шацких қўйилмақом тарзда якунига етказди. Орадан 11 дақиқа ўтгач яна бир иқтидорли ҳужумчимиз Александр Гейнрих томонидан рақиблар дарвозаси иккин-

## Сўраш,

## жавоб берамиз

Мен олти йилдан бери турмуш ўртоғим билан тинч-тотув яшаб келмоқдам. Лекин афсуски фарзандимиз йўқ. Бола асраб олишни мўлжаллаяпмиз. Лекин у сир сақладими? **М.Боботиллаева, шифокор.**

Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати даллолатномаларини қайд этиш дафтарларидаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилиги, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилигисиз бериш тақиқланади.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эрига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Кейинги вақтларда у бозордан нарса олиб, бошқасига олиб келиб сотадиганлар ҳам ўзини «тадбиркор» деб атай бошлади. Қонуларимизда сохта тадбиркорлик билан шугулланувчиларга ҳам жазо тайинлаши кўрсатилганми?

**У.Бердибеков, ишчи.**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 179-моддасига кўра, сохта тадбиркорлик, яъни уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, соудалар, кредитлар олиш, фойда (даромад)ни солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқа мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўтган йили помидор тузлаш учун фойдаланган ёғоч бочкада нохуш ҳид пайдо бўлибди. Уни қандай қилиб кетказса бўлади.

**Ш.Рустамова, уй бекаси.**

Бунинг учун бочкага оҳак бўтқасидан суртиб чиқинг. 2-3 килограмм сўндирилмаган оҳак солиб, устидан сув куйишингиз ҳам мумкин. Кейин 2-3 соат қопқоғини ёпиб қўйинг. Бочкани оҳак сув билан ювгач, 2-3 марта тоза сув билан чайиб ташланг.

Агар бочка могорлаб кетган бўлса, 100 граммдан 200 граммгача (бочка катталигига қараб), сирт ювиш кукунни ёки кул иссиқ сувага аралаштирилиб бочкага қуйилади. Ана шу сув билан бочка ювилиб, очик ҳавода қуритилиши лозим.

**Хурматли ҳамшаҳарлар!** Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига кўнги-роқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. **Махтуб ёзинг, кўнги-роқ қилинг.**

## ЧЕХИЯ—ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

Тошкент савдо-саноат палатасида шу кунларда мамлакатимизда бўлиб турган чехиялик тадбиркорлар иштирокида учрашув ўтказилди. Унда Чехия республикаси компания ва фирмаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Сўнги йилларда кўпгина мамлакатларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бормоқда. Хусусан, иқтисодий жаҳада алоқа ўрнатиш астагида бўлган давлатлар ҳам талайгина. Чехия республикаси савдо-саноат вазирлиги номидан қатор фирма вакиллари айна шу мақсадда юртимизга ташриф буюришди. Улар ўз олдларига ўзбекистонлик ишбилармонлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишни вазифа қилиб қўйишган.

Чехиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, маҳсулотларнинг кичик кўрғазмаси

мамлакатимиз истеъмол бозорини ўрганиш мақсадида ташкил этилган. Унда Чехиянинг олти ишлаб чиқариш фирмаси вакиллари иштирок этмоқда. Кўрғазмада қурилиш моллари, тиббий асбоб-ускуналар ва жижозлар, қишлоқ хўжалик ускуналари, ичимлик сувини тозаловчи мини технологиялар намойиш этилди.

Анжуманда меҳмонлар мазкур техникаларнинг ишлаш услуби ва қулайликлари тўғрисида батафсил маълумот беришди.



Намойиш этилган видеолаваха эса ҳамюртларимизнинг бу технологиялар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишига имкон яратди.

**Инобат ЭГАМКУЛОВА, "Туркистон-пресс"**

## КИМ ҲАМ РАНЖИМАЙДИ ДЕЙСИЗ?

Сеvimли адибимиз Абдулла Қодирий «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли», деган экан. Биз ҳам бу мақолада узоқ ўтмишга қайтмасда, ўтган йилги чиқишимизга яна бир бор қайтишни лозим топдик. Агар эсингизда бўлса ўша йили Собир Раҳимов метро бекатининг «Отчопар» ва «Бешқайрағоч» йўналиши бўйлаб қатновчи 17-трамвай бекатига олиб чиқадиган ер ости йўлининг ночор аҳволи ҳақида сўз юритган эдик. Орадан анча фурсат ўтиб яна шу ердан ўтишимизга тўғри келиб қолди. Қайси кўз билан кўрайликки аҳвол ўша-ўша, «Эски тос, эски ҳаммом» эди.

Биз юқорида тилга олган метро бекати шахримизнинг энг гавжум жойларидан бири. Чунки худди шу ердан республикамизнинг кўпгина вилоятлари, йирик туман ва шаҳарларига йўловчи автэбсулар қатнаб туради. Улар шу қадар кўпки, бири кетиб, бири келади. Йўловчиларнинг эса саногини йўқ. Бунинг устига ушбу бекат «Отчопар» бозорига яқинлигини айтадиган бўлсақ янада айдинлашади. Шундай гавжум жой озода, тартибли бўлса нур устига нур. Аксинча, дил ранжийди. Ҳар қандай мезбон шахримиз меҳмонлари олдида хижолат тортади.

Тўғри, метро бекати ва унинг атрофи анча озода, саришта. Барака топкур фаррошлар куну тун шу ерда. Керакли жойларни ювиб, тозалаб, супуриб-сидириб туришади. Аммо метро бекатининг орқа

— Кулоқ борми ўзи, тўшлик қилмайман дедимми, тамом-вассалом.

Хуллас кечгача ишдаги кўнгилисизлик давом этди. Иш вақтини тугаллаб у билан хайрлашаётган шогирдларига ҳам чўрқ этиб оғиз очмади уста. Охирида эран-қаран уйига қайтаркан, бирдан хотини Холисхоннинг буюртмасини эслади. Хаёл билан бўлиб бозорга боришни ҳам унутдиби. Орқага қайтай деса анча йўл. Бунинг устига кеч кириб қолган. Энди хотини яна тўтидек сайраса керак. Бор-ей, нима бўлса бўлди деди-ю, ховлисига кириб бораверди.

Ҳотамжон остона хатлаши билан хотини гўлгун яшнаб истиқболга югурди.

— Ассалому алайкум адажониси, хорманг, чарчамайгина яхши келдингизми?

Аёлининг бу мулозаматидан Ҳотамжон хайрон. Нима бўлди унга. Эрталаб ҳуфтон эди, кечкурун ўз-ўзидан чарогон.

Ширин таом устида Холисхон эрига нозлиб деди:

— Адажониси, ишқилиб сизни хафа қилиб қўймадимми. Менгина ўла қолай, эрталаб ўйламай-нетмай...

Ортиқча сўзга ўрин йўқ эди. Мана шунинг ўзи қифоя. Бир оғиз ширин сўз Ҳотамжоннинг хайфиятини бутунлай кўтариб, орадаги губорни бир зумда тарқатиб юборди. Шу дамда унинг хотинига бўлган меҳри жуда-жуда тоблиниб кетди.

## БОШИНГГА НЕ КЕЛСА...

Ор-номус, қадр-қиммат кишида мисқоллаб пайдо бўлади, аммо

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

томонидаги пиллапоёга кўтарилиб чап томонга юрсангиз узун кетган ер ости йўлагига дуч келасиз. Бу йўлак йўловчиларни метро бекатидан кўчанинг бу томондан қатновчи трамвай бекатига олиб чиқади. Ер ости йўлининг бугунги аҳволи ҳар қандай кишини ранжитади. У бутунлай ташландик ҳолга келган десак ишонаверинг. Йўловчилар узун йўл бўйлаб кетган ахлатхоналардан четлаб ўтишади. Йўллар ўнқир-чўнқир, баъзи жойлар чўкиб кетган. Ўқтин-ўқтин ерга ётқизилган бетонларнинг кўчиб-синиб ётганига кўзингиз тушади. Бу кундузги аҳвол. Кечаси эса бу жойдан мутлақо юриб бўлмайди. Ер ости йўлининг хоҳлаган чекмасидан чиқиб чироқ тополмайсиз. Ўша қурилиш даврида яхши ният билан еритгичлар учун мўлжаллаб ўтказилган кабеллар жойида шундоқлигича осилиб ётибди. Ахён-ахёнда билиб-билмай бирон-бир йўловчи ўтиб қоладиган узун ер ости йўлида яхши-ёмон юрмайди деб ким айтга олади. Шунинг учун бўлса керак одамлар машиналар оқими серкатнов бўлсада, шохқўчани кесиб ўтишни афзал кўришди. Ўша кунни биз ҳам шу ер ости йўлидан билмай юриб қолиб кўчанинг нарғи томонига зўр-базўр чиқиб олдик. Пиллапоядан эндигина тушаётган икки аёл бизни кўриб тезда орқага қайтишди. Бекатда атайлаб уларни суҳбатга тортидик.

— Чиндан ҳам бу йўлдан юришга қўрқдик, — дейишди улар гапнинг ҳақиқа кўчиб. Ахир инсон зоти кўзга ташланмайдиган узун йўлакда ҳар нарса содир бўлиши мумкин.

Шу уринда бир савол пайдо бўлади. Не умидлар билан йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида қанча маблағ сарфлаб бунёд этилган тайёр ер ости йўли қачонгача шундай ташландик ҳолда ётади? Билмадик, мутасаддилар бу саволинимизга қандай жавоб беришаркин?

## КўНГИЛ ГУЛДАН НОЗИК

Ҳотамжон ишга шошилиб уй остонасидан чиқайтганида хотини захрини сочди.

— Иш ўлсин. Шошиланганиз-шошилган. Ҳой, сиз ҳам бундоқ эркакларга ўшаб рўзгорда нима бор-йўқлигини суриштирасизми-йўқми? Неча кундан бери уйда гўшт йўқ. Бир парча гўштни авайлаб-асраб бир ҳафтага етказдим. У ҳам бугун тамом бўлди. Кечкурун қайтишингизда гўшт ола келинг.

Холисхон шундай дея қўлидаги халтани эри томон улоқтирди. Ҳотамжон хайрат билан хотинига тикилди: «Нима жин урди бунди, эрталабдан тўнини тескари кийиб олди». Шу дамда бирор аччиқ-қуруқ сўз айтиб, узиб олгиси келсада тилини тийди. Ловиланган керосинга сув сепса баттар авж олишини билди. Жавоб ўрнига оёғи остида эркаланиб, ўйноқлаб юрган лайча итини жаҳл билан бир тепиб учуриб юборди-да, индамай кўчага чиқди.

Йўлда ким билан учрашди, саломлашди билмайдик. Бир вақт ўзига келиб қараса ишхонаси йўлида турибди. Ҳар доим хўшчақчак юрадиган устанинг руҳияти пастлигидан шогирдлари хайрон. Унинг устига устаси тушмагур хали у шогирдига, хали бунисига танбеҳ беради. У хатто тўшликка ҳам чиқмади. Энг яқинларидан бири унга мулозамат кўрсатиб балога қолди.

уни бир сонияда йўқотиш мумкин. Шунинг учун хўшёр бўл, ҳеч қачон иззат-нафисдан айрилма. Ҳар бир босган қадамингга эҳтиёт бўл. Ҳар бир сўзни йўлаб айт. Қисқаси «Етти ўлчаб бир кес».

Қадр-қиммат, ор-номусни пок сақлаш, асраш ва юқори тутиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Бунда айниқса тил ва муомала маданияти биринчи ўринда туради. Халқимизнинг «Иссиқ сўзингни — иситма, совуқ сўзингни совутма», «Тили ширин — элда ширин», «Тил захри — илон захридани ёмон», «Тил бор — бол томади, тил бор — заҳар» каби ҳикमतларнинг ҳар бири олам-олам маъно ағлаатади.

Ривоят қилишларича, бир подшо вазирига: — Менга дунёдаги энг яхши гўшдан кадоб қилиб келтиринг, — дебди. Вазир боши қотиб уйига келибди. «Энг яхши гўшт қайси жониворнинг гўшти экан?» — деб роса ўйлабди. У нуноб бўлиб ўтирган экан қизи:

— Отажон, нимадан хафасиз, ёки подшоҳдан ёмонроқ гап эшитдингизми? — деб сўрабди.

— Қизим, подшо менга энг яхши ва ширин гўшдан кадоб буюрди, ниманинг гўшти яхши ва ширин эканлигини билмай бошим қотиб турибди, — дебди вазир.

— Битта қўйни сўйдиригизда унинг тилини кадоб қилиб олиб боринг, гуноҳор қилса мен қафил, — дебди қизи.

Вазир қизининг гапи билан бир қўйни сўйдириб, унинг тилини кадоб қилдириб, подшоҳнинг олдида киритган экан подшоҳ вазирга қараб:

— Энди энг ёмон гўшдан кадоб қилиб келтиринг, — дебди. Вазир яна қизининг олдида келиб:

— Қизим, яхшисини қилдик, кутулдик, ёмони қайси гўшт, — дебди. Қизи:

— Яна бир қўйни сўйдиригизда, тилини кадоб қилиб олиб боринг, — дебди.

Вазир яна шундай қилиб подшоҳнинг олдида киритган экан, подшоҳ айтибди:

— Қилган ишингиз жойида, бу сизнинг яхши билимдон эканлигингиздан далолат беради.

Шунда вазир:

— Тақсир, гуноҳимдан ўтсангиз айтмай, — дебди ва подшоҳга бу ишни кимнинг ақли билан қилганлигини айтибди. Шунда подшоҳ вазирнинг қизини чақириб:

— Қизим, нима учун тилини ҳам ёмон, ҳам яхши гўшларга санадингиз? — деб сўрабди. Шунда қизи:

— Подшоҳим, кишининг бошига яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тилидан келади. Элда бир мақол бор: «Тиш тилининг қалъаси, тил бошининг балоси».

Бу гапни эшитиб, подшоҳ вазирнинг қизига ажойиб бир боғ инъом этган экан.

Халқимиз орасида йиллар оша давом этиб келаётган «Бошингга не келса тилингдан келур» деган мақол ана шундан қолган бўлса ажаб эмас. Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

**«02»: ХОДИСАЛАР**  
**ИШОНМАГИН**  
**ДЎСТИНГГА...**

Ички ишлар идораларидаги тезкор маълумотларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, бир неча сония муқаддам бир-бирининг соғликлари, келажаги, бахти учун қадаҳ кўтарган улфатлар бир ноҳужа сўз ёки ҳаракат натижасида бир-бирларининг қотилига айланган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Жумладан Акмал Ақромов туманида 1941 йил туғилган, нафақахўр, Уйғур кўчасида яшовчи Шавкат исмли фуқаро чап кўкрак қисмида кесилган жароҳати тахиси билан шифохонага ётқизилган эди. Утказилган тезкор тергов ҳаракатлари жараёнида, ушбу жиноятни унинг таниши, ҳеч қаерда ишламайдиган, Чилонзор туманида яшовчи Зулфянинг уйда дайди Виталий ва Дамирлар амалга оширганлиги, яъни ошхона пичоғи билан Шавкатнинг кўкрак қисмига уриб, тан жароҳати етказиб 90000 сўм пулини босқинчилик йўли билан тортиб олиб, қочиб кетганилари маълум бўлди. Ҳозирги кунда уч муштурмўр шериклар ҳисбага олиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**БУЗОҚНИНГ**  
**ЮГУРГАНИ...**

«Кўйлик» улгуржи бозорида, Фарғона вилояти, Олтиарик тумани, М.Жўраев кўчасида яшовчи Саида Ўз оиласига тегишли бўлган «Газ-21» русумли автоуловида ўтирган вақтида номалум шахс унинг қўлидаги 520000 сўм пуллари тортиб олиб, қочиб кетган.

Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида Бектемир тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари Нурматов ва Иминовлар томонидан ишламайдиган, илгари судланган, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Тўмарис кўчасида яшовчи Махмуд далилий ашё билан ушланди. Ҳозирги кунда ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлиб, ҳуқуқбузар яқин кунларда қонун олдида жавоб беради.

**Дилбар ЁДГОРОВА**  
Тошкент шаҳар ИИББ  
Матбуот маркази жамоати  
мухбири

«Радио деталлари» дўкони ҳар хил турдаги радиодеталлари, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.  
Телефон: 68-93-93

«АКВАР-SHON» хусусий фирмаси устив жамғармаси ўзгарганлиги муносабати билан «АКВАР-SHON» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Барча даъволар икки ой ичида 42-05-91 телефони орқали қабул қилинади.

«Тошкент опен—2004»



**СПОРТДА БАШОРАТ**  
**ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ**

Бир ҳафта давомида теннис мухлисларининг эътибори пойтахтимиздаги «Тошкент теннис маркази» кортларига қаратилмоқда.

17 октябрга қадар дунёнинг 18 давлатидан ташриф буюрган теннисчилар «Тошкент опен — 2004» WTA турнирининг бош совринини қўлга киритиш учун кортда кескин учрашувларни ўтказдилар.


Айниқса, кечаги кун ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Россиялик Мария Головизина бетоб бўлиб қолганлиги туфайли унинг рақибни Евгения Раззон тўғридан-тўғри кейинги босқичга йўланма олди.

Чехия давлати шарафини ҳимоя қиладиган Николь Ваидисова 6/2, 6/3 ҳисобида Анна-Лена Гринфелдни (Германия) мағлубиятга учратди ва эндиликда нимчоракда у кортга турнирда тўртинчи рақам билан сараланган Арантха Парра билан тушади. Николнинг иккинчи даврадаги рақибни ҳам сараланган теннисчилардан. Ким билсин, балки унга яна омад қилиб боқиши мумкин, лекин ярим финалда қўтилаётган рақибни Мегханн Шагнесси (АҚШ)дан қўли бандан келишига, очиги, унча ишонч йўқ...

Украиналик Ольга Савчук биринчи сетда россиялик Евгения Линетскаяга 3/6 ҳисобида имкониятларини бой берган бўлсада, кейинги икки раундда 6/0,

6/4 натижалари билан устун келди. Ольганинг бугунги ўйини мурасасиз кечиши шубҳасиз — у Шагнесси билан беллашади.

Турнирнинг тўртинчи кунини кескин ўтиши қўтилаётган эди. Кеча ҳамюртимиз Ирода Тулаганова WTA таснифи бўйича 102-ўринда турган италиялик 24 ёшли Антонелла Серра Занеттига қарши кортга тушди. Эслатиб ўтамиз, 12 октябрь кунини ўзбек тенниси ёрқин юлдузининг Францияда биринчи рақамли ракетка устаси Марион Бартоли устидан бир соату 28 дақиқа ичида муваффақиятга эришгани спорт ишқибозлари ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Ирода тирсагидаги жароҳати туфайли бир йилдан зиёд вақт давомида ўйнай олмаган ва унинг катта спортга қайтишидан руҳланган мухлислар биринчи даврадаги баҳсида олқишларга кўмиб ташлашди. Албатта, бу Иродага анча далла бўлди. Энди бевосита кортдаги кечаги беллашувга тўхталадиган бўлса, учрашув бошидан Ирода ҳам, Серра Занетти ҳам бир-бирига қарши кучли зарбаларга бой ўйин кўрсатишди. Биринчи сетда ҳамюртимиз 6/4 ҳисобида ютқазиб қўйган бўлсада, аммо ҳали



ютишга умиди сўнмаганлиги яққол сезилиб турарди. Иккинчи сет анча мураккаб ўтди. Ҳаво кескин пасайгани ўзбекистонлик теннисчига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади — шифокор томонидан Ироданинг ўнг қўли қайта боғланди. Шунга қарамадан у ўйинни давом эттиришга ҳаракат қилди, бироқ, афсус, 6/2 ҳисобида имкониятни рақибига бой берди. Бугун Серра Занетти германиялик Анка Барна билан беллашади.

Кеча «Тошкент опен-2004» турнирига бош ҳомийлик қиладиган «Зеромакс» компанияси матбуот анжумани ўтказди. Унда компания вакиллари журналистларнинг саволларига жавоб бериш билан бирга келгусида жаҳон теннис юлдузи даражасига кўтарилиш истигаида бўлган иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фикрини ҳам билдиришди.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**  
СУРАТДА: беллашувдан лаҳза.  
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

*Биз вақтингизда*


**«ИХТИРОЧИЛАР»**  
**АЙЛАНМА КРОССВОРДИ**

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида: 1. Дунёда энг биринчи глобус иختирочиси, ўрта аср қомусий алломаси, ватандошимиз. 2. Моторли музлатгич иختирочиси. 3. Насосли буг двигатели яратган иختирочи. 4. Уттиз икки марта катталаштирувчи телескоп ясаган италян олими, аниқ табиатшунослик асосчиларидан бири. 5.Замонасининг обсерваторияси — расадхона бунёд эттирган фалакиётшунос олим, «Зижи Қўрагоний» юлдузлар жадвали муаллифи, теурийзода ҳукмдор. 6. Пеницилин дорисини яратган инглиз микробиологи. 7. Уз номи билан аталувчи нурни очган ва тадқиқ қилган немис физиги, Нобель мукофоти номзоди. 8. «Геомиме», «Пигментлар» каби ноёб асарлар муаллифи, жавоҳир ва зийнат тошларини мукамал билган фан тарғиботчиси. 9. Курилиш лойиҳалари бўйича фаолият кўрсатган олим, йиринч ишоотлар лойиҳачиси. 10. Енгил вазндаги танклар конструктори. 11. Физиология ва патология соҳасида фаолият кўрсатган олима. 12. Уз номи билан аталган ҳарорат шкаласини тақлиф этган швед астрономи ва физик олими. 13. Қишлоқ хўжалиги биологияси соҳасида самарали фаолият кўрсатган олим, агроном. 14. Ботаник ва географ илмий мактаби асосчиларидан бири, рус олими. 15. Кибернетика соҳасида фаолият кўрсатган ўзбек олими. 16. Кўзгули фонарь, семафор ва телеграф яратган рус механик иختирочиси.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Қадимда қўлланилган 400 граммча келадиган вазн бирлиги — 7, 6, 5, 4, 7.  
2. Ўз маслагига содиқ инсон — 14, 4, 13, 9, 15.  
3. Бадий асарда воқеанинг ривожлана бошлашига сабаб бўлган ҳодиса — 15, 11, 10, 11, 8.  
4. Нарсанинг ҳажмини кўрсатувчи маълумот — 2, 3, 12, 6, 1.  
Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофиди рақамларда яширинган ҳикматни билиб олинг.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 8 октябрь**  
**сонида берилган «А» ҳарфли кроссвординг**  
**жавоблари:**

**Диагоналар бўйича ўнға:** 1. «Анджон». 2. «Анор». 3. Авиация. 4. Асал. 5. Адабиёт. 6. Агра. 7. Арктика. 8. Аббе. 9. Агроном. 10. Айри. 11. Адвокат. 12. Авар. 13. Аббосов. 14. Азим. 15. Акробат. 16. Азот.  
**Диагоналар бўйича чапға:** 1. Автомат. 2. Анод. 3. Айритом. 4. Асос. 5. Авлоний. 6. «Алла». 7. Амалиёт. 8. Абак. 9. Америка. 10. Адир. 11. Амиркон. 12. Азов. 13. Arperat. 14. Араб. 15. Ахмедов. 16. Асар.  
**МУАММОНОМА**  
**Очқич сўзлар:** 1. Дарахт. 2. Завқ. 3. Игна.  
**Ҳикमत:** Тарих — вақтнинг изидир.



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет  
услуди босилди.  
4127 нусxada босилди. Қотро бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрига етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги  
булимларга ёки «Тошкент почтанинг» — 133-74-05  
телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.